# Куч — адолатда

2010 йил, 27 май, пайшанба
№ 21 (275)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

**Ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг етук инсон бўлиб вояга етишиши учун юртимизда зарур имконият, шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, улар эртанги кун эгаси, мамлакатимиз келажаги ва тараққиётини таъминловчи муҳим кучдир. Қолаверса, болажон халқимизнинг энг эзгу орзу-умиди ҳам ана шундай улуғ ниятлар билан боғлиқ.**




Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошланган ва йил сайин кенг мазмун касб этаётган бу борадаги чора-тадбирлар юртимиздаги ҳар бир боланинг камолотига хизмат қилаётир. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, унинг соғлом туғилишидан тортиб, бақувват бўлиб вояга етиши масалалари ҳар томонлама тўлиқ қамраб олинган Давлат дастурлари асосида изчил ҳал этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Бу борада, айниқса, соғлом авлодни вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани таҳсинга лойиқ. Чунки бола, аввало, жисмонан соғлом бўлса, ҳаётда кўп нарсага эришади.

Болалар спорти соҳасида юртимизда аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда ва бу фарзандларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини яратди. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун зарур инвентарларнинг асосий қисмини юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди. Мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг жисмонан камол топишини таъминлаш мақсадида уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари мунтазам ўтказилишига йўл очди. Айниқса, жорий «Баркамол авлод йили»да бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ана шу эзгу мақсад йўлида қилинаётган ишлар ёш авлод вакиллари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Яратилаётган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ҳар жабҳада олға интилаётган ёшлар билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Юртимиздаги замонавий академик лицей, касб-ҳунар коллежи, болалар спорти мажмуи, умумий ўрта таълим, санъат ва мусиқа мактабларида таълим олаётган фарзандларимиз ҳам замонавий билимга эга, ҳам миллий қадриятларимизга садоқатли, шижоатли ўғил-қизлар бўлиб камолга етаяпти. Улар турли халқаро кўрик-танловлар, нуфузли мусобақалар, фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритиб, Ватанимиз шуҳратини янада оширмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

## Ушбу сонда:


Соғлом фарзанд — оила қувончи 4

Ҳаётнинг мазмуни — ҳалоллик ва эзгуликда 4

Тадбиркорлик масъулияти унга тўлиқ амал қилганлар кўзланган самарага эришадилар 3


*Islohot va samara*

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси**

# МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ

## жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

**Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Албатта, бу меъёрнинг ҳаётимизда тўлиқ ўз ифодасини топишида суд ҳокимиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Зеро, мамлакатимиз судлов тизимининг бош мақсади — жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.**

Суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган янгиланиш жараёни ҳақида сўз борар экан, суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминлангани одил судлов сифатини яхшилашга хизмат қилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Фуқаролик ишлари бўйича тортишув тамойилининг ривожланишида тарафларга, яъни ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ўтган давр мобайнида бу борада туб ислоҳотлар амалга оширилди, адвокатурага оид қонунчилик бугунги кун талаблари даражасида takомиллаштирилди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Anjuman*

# Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш — жамиятни демократлаштириш омили

**Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб негизини ташкил этади. Бошқача айтганда, бу тамойил жамиятни чуқур ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисмидир. Жорий йилнинг 20-21 май кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Суд амалиётига медиация институтининг жорий этилиши: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзуидаги халқаро анжуман ана шу масалаларга бағишланди.**

(Давоми иккинчи бетда)




*Huquq va majburiyat*

# Ер — ризқ-насиба манбаи

## уни асраб-авайлаш бурчимиздир



**Ота-боболаримиз қадим-қадимдан ўзлари яшаган шу заминнинг ҳар қаричини кўз қорачиғидек асрашган. Улар ерни ризқ-насибанинг асосий манбаи сифатида эъзозлашган. Ерни онага менгзаб, она замин дея таърифлашларининг сабаби ҳам шунда.**

Мустақиллик йилларида юртимизда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар туфайли ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Мисол учун фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари, танлов асосида эллик йилгача, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилганини олайлик.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Saboq*

# Қонунни ҳурмат қилган кам бўлмайди

**Демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиланишлар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, билиб-билмай жиноятга қўл урган, айбига иқрор, қилмишига пушаймон бўлган кишиларга нисбатан меҳр-мурувват ва бағрикенглик кўрсатиш қонунчилигимизнинг устун хусусиятларидан биридир.**

Амалдаги Жиноят кодексида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, жиноят оқибатида етказилган зарарни ўз ихтиёри билан қоплаган, бир сўз билан айтганда, айбига чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларни жиноий жазодан озод этиш белгилаб қўйилган. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш каби жазо чоралари қўлланилган шахслар ҳам хулқ-атвори ижобий тавсифланса, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлса, жазодан шартли тарзда озод қилинади. Маъмурий назорат ўрнатилган бундай шахслар муайян шартларга амал қилишлари, жумладан, қайта жиноят содир этмаслиги, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилмаслиги, яшаш жойи ўзгарганда бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга маълум қилиши лозим.

Аслида, айбидан ўтилган киши ишончга эришиш учун чин дилдан ҳаракат қилиши, аввалги қилмишини қайта такрорламаслиги зарурлиги кундай равшан. Ана шунда қонунчиликдаги айбланувчиларга нисбатан қўлланиладиган енгилликлар ҳам ўз самарасини беради.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Yangi qonun mohiyati*

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қаратилган қонунлар жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаштиришда самарали ҳуқуқий механизм яратиш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда.**

# Бағрикенглик ва инсонпарварлик

## бу тамойиллар янги қонун билан янада мустаҳкамланди

Республикамизда жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ давлат сиёсатини амалга ошириш масъулияти юклатилган ҳуқуқ-тартибот, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини янада такомиллаштиришга, айниқса, улар фаолиятига тегишли қонунчилик асосларини янада демократлаштиришга алоҳида эътибор берилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Жумладан, 2010 йил 4 май куни Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун сенаторлар томонидан маъқуллангани ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Maslahat*

**Ҳаётда фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган турли хил битимларга дуч келамиз. Ҳуқуқий жиҳатдан бу битимларни фуқароларнинг турли муносабат билан ўзаро келишуви, дейиш мумкин. Ана шундай битимлардан бири ҳадя шартномасидир.**

# Ҳадя шартномаси

## уни тузиш тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари

Фуқаролик кодексининг 502-моддасида «Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади» деб таъриф берилган.

Ушбу таъриф ҳадя шартномасининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ифода этади.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Anjuman*

# Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш — жамиятни демократлаштириш омили

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Конференция Олий суд ва унинг ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон ҳакамлик судлари уюшмаси томонидан Ҳуқуқ орқали демократия Европа Комиссияси (Венеция комиссияси) ҳамда Европа Уйининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган барча ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди, — деб таъкидлади анжуманни очар экан, Олий суд раиси Б.Мустафоев. — Мустақил тараққиёт йўли ва халқаро ҳуқуқий стандартларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тегишли қонунчилик шакллантирилди ва у мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича белгилаб берган беш асосий тамойиллардан бири — қонун устуворлиги Ўзбекистонда яратилган яхлит мустақил суд ҳокимияти томонидан таъминланмоқда».



Конференцияда таъкидланганидек, бу соҳадаги ислоҳотлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган **«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш»** концепцияси доирасида амалга оширилмоқда. Шу жумладан, суд ҳимояси самарадорлигини ошириш, суд амалиётида инсонпарварлик тамойилларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бундай кенг кўламли ишларни амалга ошириш жараёнида, қонун устуворлигини мустаҳкамлашда мамлакатимизда 2001 йилдан жорий этилган ярашув институти муҳим омил бўлди. Унинг Ўзбекистонда самарали қўлланилаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди. Низоларни ҳал этишнинг муқобил механизмларини ривожлантиришда 2006 йилда қабул қилинган ҳамда 2007 йилнинг 1 январидан кучга кирган **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»**ги қонун муҳим қадам бўлди.

Судларнинг ихтисослашуви, соддалаштирилган суд амалиёти ва вакиллик институтининг такомиллаштирилиши, низоларни ҳал этиш бўйича муқобил нодавлат органлар — ҳакамлик судларининг ташкил қилиниши одил судлов сифатини ошириш, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш муддатларини ва ортиқча жараёнларни қисқартириш имконини берди. Хўжалик низолари бўйича суд амалиётининг соддалаштирилиши қулай сармоявий муҳитни мустаҳкамлаш, умуман, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Конференцияда сўзга чиққан Олий хўжалик суди раиси Д.Мирзакаримов, Республика Бош прокурорининг ўринбосари Х.Ҳалимов, адлия вазирининг ўринбосари Е.Каньязов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати О.Оқилов, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров ва бошқалар ана шу мавзуларда сўз юритишди.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди ва



қонун устуворлиги соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилди, — деди Италиянинг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Фабрицио Бовино. — Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлари, жумладан, мамлакатимиз билан суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳамкорликни тобора кенгайтириб бораётган Европа Иттифоқи томонидан юксак баҳоланмоқда.



Конференцияда қайд этилганидек, бугунги кунда медиация меҳнат, оилавий-маиший ва тижорий низоларни ҳал қилиш бўйича жаҳонда кенг тарқалган муқобил усул ҳисобланади. Бу — низони суддан ташқари тартибда холис воситачи кўмагида томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал этиш усули бўлиб, келишмовчиликларни бартараф қилишда муроса йўлини топиш имконини беради. Медиация фуқаролик институти шаклланиши, суд тизимини демократлаштириш тамойилларига мос келади.

Медиациянинг кенг жорий этилишида мазкур соҳада қабул қилинган халқаро ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг (ЮНСИТРАЛ) 2002 йилдаги «Халқаро тижорий келиштирувчи комиссия тўғрисида»ги намунавий қонуни муҳим ўрин тутади. Низоларни суддан ташқари ҳал қилиш бўйича тегишли қонунлар Австрия, Болгария, Венгрия, Канада, Хитой, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатларда ҳам амал қилади.

Кези келганда шуни таъкидлаш ўринлики, ишларни суддан ташқари кўриб чиқиш шакли сифатида яраштирув ва воситачилик усуллари халқимизнинг анъана ва урф-одатларига мос бўлиб, асрлар давомида қўлланиб келинган. Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳалла институти томонидан оилавий қадриятларни, яхши қўшничилик маданиятини мустаҳкамлаш мақсадида яраштирув ва воситачилик усулларидан самарали фойдаланилмоқда.

Хорижий экспертлар фикрича, бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига медиация элементларини жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда таъкидландики, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан қатъият билан бораётганининг ёркин ифодасидир.

— Қонун устуворлиги — бу барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим жиҳати ва асосидир, — деди Европа Иттифоқи «ЕвропЭйд» комиссиясининг Ҳамкорлик бюроси бўлим раҳбари Марио Ронкони. — Шу боис Европа Иттифоқи Комиссияси Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ташаббуслари ва ўзаро ҳамкорлиги кенгайиб бораётганини фаол қўллаб-қувватлайди. Жумладан, иккита қўшма лойиҳа режалаштирилган. 2011-2015 йилларга мўлжалланган бу лойиҳаларда жиноий қонунчиликни ислоҳ қилиш ҳамда мамлакатнинг икки палатали парламент тизимини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

— Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатларининг ўзаро манфаатли, кенг кўламли ҳамкорлиги муттасил кенгайиб бормоқда, — деб таъкидлади Испания ҳукуматининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Хуан Алонсо Гутиррес. — Ҳамкорлик иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа соҳаларда фаол амалга оширилмоқда.

Мазкур халқаро анжуманнинг ўтказилиши — самарали алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Суд-ҳуқуқ тизимида инсонпарварлик тамойилларини кучайтириш бўйича амалий тажриба ва фикр алмашиш, шубҳасиз, янги демократик институтларнинг қарор топиши ва умуман, демократиянинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Ўз мухбиримиз**

*2010-yil — Barkamol avlod yili*

# Юртимиз келажаги ва тараққиётининг муҳим таянчи

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Фарзандларимизга ўз қобилият ва имкониятларини намоён этиши учун зарур шароит яратилиши баробарида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Кейинги йилларда амалдаги қонун ҳужжатларининг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисми янада такомиллаштирилди. Бу йўналишда қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонун ушбу соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини янада оширди.

**«Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун болалар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.




Мамлакатимизда ёшларга оид қонунчилик халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида-талабларига асосланади. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Бола ҳуқуқлари конвенциясига қўшилган. Шунингдек, мамлакатимиз бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжат иштирокчисидир. Жумладан, сўнгги йилларда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун, «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди.



Шу тариқа мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўлиқ шакллантирилди ва бу янада такомиллаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 январда қабул қилинган **«Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги белгилангани шундан далолат. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёшлар, шу жумладан, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга қаратилган, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ишлари кўлами янада кенгаймоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

*Hиqиq va majburiyat*

# Ер — ризқ-насиба манбаи
## уни асраб-авайлаш бурчимиздир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан кафолатлаб қўйилган.

Бугун республикамизнинг энг чекка ҳудудидаги қишлоқда ҳам ернинг ўз эгаси бор. Фермер ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганидан рағбат олиб, ғайрат билан ишлаётир.

Бироқ гуруч орасида курмак учрагани каби яратилган имкониятларни суиистеъмол қиладиган кимсалар ҳам оз бўлса-да, учраб туради.

**«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонуннинг 13-моддасида: **«Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас»**, деб қатъий белгилаб қўйилган.



Аммо Зомин туманидаги «Земфира-Анора» фермер хўжалиги раҳбари С.Чуйбеков «ҳеч ким кўрмайди, ҳеч ким сезмайди» қабилида кўзбўямачиликка қўл урди. Туман ҳокимлигининг экинларни жойлаштириш режасига асосан ушбу фермер хўжалигининг 13,5 гектар майдонига пахта, 25 гектарига ғалла, 8 гектар майдонда бошқа экинлар экилиши керак эди. Бироқ С.Чуйбеков етти гектар ер майдонини А.Бегимқулов, Р.Охунов, Х.Алимов ва Н.Сарибоевга 3 миллион 500 минг сўмга сотиб юборди. Бу хатти-ҳаракати билан у ўз ихтиёрида бўлган бошқанинг мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмагани каби қинғирликнинг қийиғи ҳам бир куни, албатта, чиқади. Вазифасига нохолис муносабатда бўлган, мансабини суиистеъмол қилган С.Чуйбековнинг жиноий иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган пайтда пахта майдонида ҳосил чўғи жуда паст эканлиги ойдинлашди. Фермер хўжалиги билан Даштобод пахта тозалаш акциядорлик жамияти ўртасида пахта хомашёси етказиб бериш тўғрисида тузилган контрактация шартномаси бажарилмай қолди. Шартномани бажармаслик оқибатида фермер хўжалиги пахта тозалаш жамиятига 8 миллион 511 минг сўмлик зарар етказди.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда унинг ўз айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлигини айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Олий суд Пленумининг **«Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида»**ги қарорининг 16-бандида **«...судларга тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ҳуқуқий асослар мавжуд бўлган ҳолларда айбдорни муайян ҳуқуқдан маҳрум этмасдан, уларга ахлоқ тузатиш жазосини ўз иш жойларида ўташини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлиши»** тушунтирилган.

Суд юқорида қайд этилганларга асосланиб, С.Чуйбековни Жиноят кодексининг 45-моддасига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмасликни лозим топди. Шунингдек, судланувчи томонидан содир этилган жиноят Олий Мажлис Сенатининг «Амнистия тўғрисида»ги қарори доирасига тушганлиги сабабли, судланувчига нисбатан мазкур қарорнинг 2-банди татбиқ этилди. Судланувчи С.Чуйбеков Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «а», «г» бандлари билан айбдор деб топилиб, «Амнистия тўғрисида»ги қарорнинг 2-банди қўлланилиб, жазодан озод қилинди.

Фермер хўжалиги билан Даштобод пахта тозалаш акциядорлик жамияти ўртасида тузилган контрактация шартномасининг 8-бандида низолар хўжалик суди орқали ҳал этилиши назарда тутилган. Шу боис даъвогар — Даштобод пахта тозалаш акциядорлик жамиятига контрактация шартномасини бажармаслик оқибатида етказилган 8 миллион 511 минг сўмни ундириш юзасидан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

«Ерни боқсанг, ер сени боқади», дейишади кўпни кўрганлар. Замонавий фермердан нафақат ерга ҳалол муносабатда бўлиш, меҳр билан қараш, балки мавжуд қонун-қоидаларга риоя қилиш, белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида адо этиш ҳам талаб этилади. Шундагина фермернинг фаолияти самарли, топгани баракали бўлади.

**Ҳосилмурод ҚЎШМАТОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг раиси**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Куч — адолатда» мухбири**

*Qonun ko`magi*

# Ҳамжиҳатлик ва

**Ҳаётда ҳар биримиз фаолият юритаётган жамоани ҳам катта оилага қиёслаш мумкин. Албатта, жамоа аъзоларининг аҳил, ҳамжиҳатлик билан, бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритиши жамоанинг ўзи, қолаверса, жамиятимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари ҳар бир меҳнат жамоаси раҳбари амалдаги қонунларга таяниб, оқиллик билан иш юритса, жамоада соғлом муҳит шаклланади, меҳнат интизоми янада мустаҳкамланади.**

Деҳқонободлик Ашур Сафаров узоқ йиллар ўрмон хўжалигида турли лавозимларда фаолият юритди. Сидқидилдан қилинган меҳнат қадрланмай қолмайди, албатта. Соҳа мутасаддилари А. Сафаровнинг ишчанлиги, ташкилотчилигини инобатга олиб, уни туман ўрмон хўжалигининг «Тўрткўл» ўрмон бўлимига ўрмонбеги вазифасига ишга тайинлашди. Ўзига билдирилган ишончдан А. Сафаров нечоғлик қувонган бўлса, ўрмон хўжалиги бошлиғи уни турли асоссиз важ-карсонлар билан 2007 йилнинг 2 апрелида сохта, ҳеч жойда қайд этилмаган буйруғига биноан лавозимидан четлаштирганида шунча ажабланди. Шундан сўнг собиқ ўрмонбеги бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб, Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги маъмуриятига мурожаат қилди. Мутасадди ташкилот томонидан унинг шикояти ўрганиб чиқилди ва қаноатлантирилди, яъни А. Сафаров ўз вазифасига қайта тикланди.

Афсуски, унинг ўз ишига қайтиб келиши бошлиққа ёқмади. У А.Сафаровни яна лавозимидан кетказиш йўлларини излай бошлади.

Тирноқ ичидан кир қидирган ниятига етмай қўймайди, тўғрироғи, бировдан фазилат эмас, аксинча, нуқсон излаган кишига ҳар бир хатти-ҳаракат иллат бўлиб кўринаверади. Туман ўрмон хўжалиги бошлиғи учун ҳам А. Сафаров ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ бўлиб қолди. Буни ўрмон хўжалиги бошлиғининг 2008 йил 6 ноябрдаги 78-сонли буйруққа асосан Ашур Сафаровни «ходимларнинг малака синови (аттестация)га узрсиз қатнашмади», деган баҳона билан яна вазифасидан озод қилганидан ҳам билса бўлади.

*Islohot va samara*

# Малакали юридик ёрдам

## жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётгани, жумладан, адвокатура институти чуқур ислоҳ қилингани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу Фармон фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган конституциявий меъёрни амалга ошириш, адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг нуфузини ошириш ва инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Президентимизнинг мазкур Фармонида адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг етти асосий йўналиши аниқ белгиланиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр давомида иккита қонун, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага дахлдор учта қарори, ўнга яқин идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармонда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро судда ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари профессионал шахслар томонидан ҳимоя қилинишини истайди. Шунинг учун фуқаролик процессида ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга шахслар, хусусан, адвокатларнинг вакил сифатида иштирок этиши муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилган ва Сенат томонидан маъқулланиб, 2009 йил 12 сентябрдан кучга кирган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги қонун асосида вакиллик институти тубдан такомиллаштирилди.

2009 йил сентябрь ойига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига биноан ишда иштирок этувчи шахснинг вакили (тарафлар, учинчи шахслар) сифатида адвокатлардан ташқари бошқа ҳар қандай шахснинг, шу жумладан, юридик маълумотга ва юридик ёрдам кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилар эди. Бу фуқароларнинг юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни сифатли таъминламас, фуқаролик ишларида вакил сифатида иштирок этувчи кўплаб шахслар юридик маълумот ва тегишли билим ҳамда тажрибага эга бўлмасдан тарафларнинг ишончини суиистеъмол қилиши ҳолатлари кузатилар эди. Тегишли фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмай туриб, аҳолига муайян ҳақ эвазига сохта юридик хизмат кўрсатиш йўли билан ноқонуний даромад олаётган ҳамда қонунларни нотўғри талқин қилгани учун ҳеч қандай жавобгарликни зиммасига олмаган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказаётган бундай сохта вакилларнинг жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Ушбу йўналишда фуқаролик ишлари бўйича судларда доимий асосда юридик маълумотга эга бўлмаган 150 нафар шахс, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши учун лицензияга эга бўлмаган 90 нафар юрист, жумладан, жиноят ёки бошқа айбли ҳаракат содир этилганлиги учун лицензияси бекор қилинган 28 нафар юрист вакил сифатида иштирок этиб келган.

2009 йил 12 сентябрдан кучга кирган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги қонун бундай салбий ҳолатларни бартараф этди ва фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун янги имконият яратди.

Ушбу қонун талабига кўра, фуқаролик процессида адвокатлар, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек, эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари; юридик шахсларнинг ходимлари — шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича; нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича; қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари; биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчининг топшириғи бўйича вакил; ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида эътироф этилди.

Мазкур қонунда судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши ҳақидаги муҳим меъёр мустаҳкамлаб қўйилди. Бу жамиятда адвокатура институтининг ўрни ва нуфузини оширди, судлар фаолиятига турли хил аралашувларнинг олдини олиб, нохолис муносабатларга чек қўйди.

Ушбу қонун амалда тўғри татбиқ этилиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг шу йил 14 майда бўлиб ўтган йиғилишида **«Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»**ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор қонуннинг амалиётда судлар томонидан тўғри, аниқ ва бир хилда қўлланилишида муҳим аҳамият касб этади. Пленум қарорида суддаги вакил — ишонч билдирувчи шахс номидан ва унинг манфаатлари учун берилган ваколат доирасида процессуал ҳаракатлар содир этадиган ҳамда ҳуқуқларини амалга оширишда унга ёрдам берадиган жисмоний шахс эканлиги қайд этилди.

Шу ўринда юридик ва жисмоний шахсларнинг вакилликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Юридик шахсларга тегишли ишларни уларнинг вакиллари юритади. Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ёки вакил орқали юритиши мумкин. Фуқаронинг шахсан иштироки уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Вакиллик қилиш фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва низо юзасидан адолатли қарор қабул қилишда судга ёрдам беришдан иборатдир.

Маълумки, судда вакилликнинг қонуний, ихтиёрий, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, юридик шахсларнинг ва уставли вакиллик каби турлари мавжуд. Олий суд Пленуми қарорида вакилликнинг ушбу турлари ва улар қандай фарқланиши бўйича ҳам шарҳлар берилди. Жумладан, қонуний вакиллик белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, бедарак йўқолган деб топилган шахслар ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахлдор фуқаролик ишларини кўришда мавжуд бўлиб, судда вакилнинг иштироки шарт бўлади. Қонуний вакиллик келиб чиқиши учун ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахснинг розилиги талаб этилмаслиги, қонуний вакиллар, шартнома бўйича вакиллардан фарқли равишда, Фуқаролик процессуал кодексининг 54-моддасида кўрсатилган барча процессуал ҳаракатларни махсус ваколат олмаган ҳолда мустақил амалга оширишга ҳақли эканлиги қайд этилди.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар шартнома бўйича вакилликнинг янги тури саналади. Вакилликнинг бу тури фақат жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган бўлиб, юридик шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди. Шунинг учун Олий суд Пленуми қарорида қонуннинг ушбу банди ҳақида жисмоний шахслар вакили сифатида суд томонидан ишда қатнашишга рухсат берилган бошқа шахслар, башарти улар вакил сифатида судда касб тариқасида фаолият олиб бормаса, қатнашиши мумкин эканлиги тўғрисида тегишли тушунтириш берилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жамиятимиз ҳар бир аъзосининг қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Шу маънода судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши ҳақидаги муҳим меъёрнинг миллий процессуал қонунчилигимизда ўз ифодасини топиши, энг аввало, фуқароларнинг Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали самарали ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

**(ЎзА).**

*Yangi qonun mohiyati*

# Бағрикенглик ва инсонпарварлик

## бу тамойиллар янги қонун билан янада мустаҳкамланди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш керакки, ушбу қонунга биноан амалдаги Жиноят кодекси янги **57¹**-модда билан тўлдирилди. Бу моддада кодекснинг 55-моддаси биринчи қисми «а» ва «б» бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу кодекснинг 56-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муддати ёки миқдори ушбу кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги белгиланди.

Ушбу меъёр умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганларга, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шу ўринда ушбу янги қонуннинг афзал тарафлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 55-моддасига кўра, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш ҳамда етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш каби ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этилганидан сўнг фаол ижобий ҳаракатлари сифатида баҳоланиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланган.

Жиноят кодексининг меъёрларида айбдор амалда пушаймон бўлганида енгилроқ жазо тайинлашнинг аниқ кафолатлари белгиланмаган эди.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу янги қонун билан Жиноят кодексига киритилган қўшимча келгусида айбдорнинг айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиши енгилроқ жазо тайинлашнинг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноий жазо тайинлаш тизими изчиллик билан либераллаштирилаётганини кўрсатади.

**Эркин ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими**

*Qilmish-qidirmish*

# Нафс қутқуси

**Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Бироқ айрим шахслар бу имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш ўрнига қонунга зид ишларга қўл ураётгани кишини таажжубга солади.**



Мисол учун Андижон туманида фаолият юритаётган «Андижасорат» хусусий корхонаси мансабдор шахслари 1,6 миллион сўмликка яқин товар айланмасини амалга оширган. Бу, албатта, яхши. Аммо улар қонунчиликда белгиланган солиқ тўловларини ойма-ой тўлаб боришни таъминламаган. Бундан ташқари улар 2,5 миллион сўмликка яқин юқори ликвидли маҳсулотларни нақд пулга сотишган, бироқ маблағни банкка топширмасдан, савдо қоидаларини бузишган.

«Шаҳри нафосат диёри» хусусий корхонасининг мансабдорлари ҳам ана шундай қилмишга қўл уришган. Улар 2009 йилнинг 9 ойи давомида 668 минг сўмликдан зиёд товар айланмасини амалга оширишган. Бироқ Андижон тумани солиқ инспекциясига ҳисоботларни тақдим қилмасдан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашган. Бундан ташқари улар ҳам кўп миқдордаги юқори ликвидли маҳсулотларни нақд пулга сотиб, маблағни банкка топширмасдан, савдо қоидаларини бузишган. Ушбу ҳолатлар юзасидан корхона мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Ноқонуний ишга қўл урган шахслар қонун олдида жавоб беришди.

Нафс балосидан қутулолмаганлардан яна бири Мақсад Муллажоновдир. У «Мубина юлдузи» масъулияти чекланган жамиятида масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг кўп миқдордаги мулкини ўзлаштиришга қасд қилган. У ўзининг жиноий ҳаракатларини амалга ошириш учун Асака автомобиль коллежи директори Х.Ишонов ва бош ҳисобчи А.Матқосимов билан олдиндан тил бириктириб, коллежнинг иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш бўйича 5 миллион 200 минг сўмлик пудрат шартномаси тузади. Мазкур шартномада кўрсатилган ишлардан ҳақиқатда бажарилмаган 3 миллион 828 минг 815 сўмлик иш ҳажмининг бажарилганлиги тўғрисида тузилган сохта ҳужжатни шартнома бўйича тўловни амалга ошириш учун вилоят ғазначилик бошқармасига тақдим этишади. Бошқарма мазкур ҳужжатга асосан сўралган суммани жамият ҳисобига ўтказиб беради. Шундан сўнг М.Муллажонов жиноий ҳаракатини охирига етказиш мақсадида шериклари А.Бурҳонов, Х.Ишонов ва А.Матқосимов билан бу маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишади.

Мўмай «даромад» жиноий тўданинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди. Бу гал Мақсад гуруҳга коллежнинг янги раҳбари С.Қобуловани ҳам жалб этди. Улар давлатимизнинг ёш авлод яхши шароитларда ўқиши учун ажратаётган маблағларига кўз олайтиришди. Баҳоналари яна иссиқлик тизимида жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўлди. Бу гал улар 10 миллион 600 минг сўмни ўмаришни мўлжаллашди. Бу пуллар ҳам худди аввалгиси каби сохта ҳужжатлар орқали ўзлаштирилди.

Албатта, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Нафс балосига учраган бу кимсаларнинг ҳам хатти-ҳаракатлари фош бўлди. Зеро, қинғир ишнинг қийиғи бир кун келиб барибир очилади.

**Талъатбек МЕЛИБОЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг судьяси**
**Маҳпурахон ОРТИҚОВА,**
**журналист**

*Saboq*

# Қонунни ҳурмат қилган кам бўлмайди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**



Бироқ ҳаётда ўзларига билдирилган ишончни оқлаш ўрнига, амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қилмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Шундайлардан бири Шодиёр Абдуллаев (муайян сабабларга кўра, исм-шарифлар ўзгартирилди)дир. Муқаддам икки марта қонуний жазога тортилган Ш.Абдуллаев Президентимизнинг 2003 йил 1 декабрда эълон қилинган «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жазодан озод этилган эди.

Аммо у ўзига кўрсатилган мурувватдан тўғри хулоса чиқармади ва яна жиноятга қўл урди. Натижада жиноий ишлар бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми «г» банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Олмалиқ шаҳар судининг ажримига асосан, Жиноят кодексининг 73-моддаси қўлланилиб, Ш. Абдуллаев ўталмай қолган жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, олти ой маъмурий назоратга олинди. У муносиб хулқ-атворда бўлиш, жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, яшаш жойидан бесабаб кетиб қолмаслик, белгиланган муддатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга учрашиб туриш тўғрисида тилхат берган эди.

Шу ўринда «Шодиёрга бағрикенглик қилинибди, кечирилибди, энди у айбини ювиш, ўзини оқлаш учун сидқидилдан меҳнат қилади, берган ваъдасини бажаради», деб ўйласангиз, янглишасиз. Таассуфки, Ш. Абдуллаев ёзган тилхатига ҳам, берган сўзига ҳам амал қилмади. Жумладан, Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими профилактика нозири томонидан бир неча марта текширув ўтказилганида Ш. Абдуллаев уйида бўлмаётгани, сабабсиз кўчага чиқиб кетаётгани, унинг қаерда юрганини ота-онаси ҳам билмаслиги аниқланди.

Маъмурий назорат қоидаларини писанд қилмаган Ш. Абдуллаев Жиноят кодексининг 226-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди ва унга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур фарзандларига ўгитларида бундай деб таъкидлайди: **«Қаерда қонун устун бўлса, шу ерда адолат ҳукм суради»**.

Дарҳақиқат, қонунга сўзсиз амал қилиш, белгиланган меъёрларни бузмаслик жамиятни демократлаштиради, барқарорлик, ўзаро ҳурмат шаклланади. Бу эса ҳар бир кишидан, аввало, қонунни билиш, уни ҳурмат қилиш, белгиланган қоидалардан четга чиқмасликни талаб этади.

**Анвар УСМОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг раиси**

*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*

**Юртдошларимиз тадбиркорлик фаолиятини яшаш тарзига айлантириб, бозорларимиз тўкинлиги, ҳаётимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш баробарида ўзларининг турмушларини ҳам обод қилаётирлар. Бундай ютуқлар замирида, биринчи навбатда, қонунга ҳурмат, белгиланган қоидаларга оғишмай риоя этиш, бурч ва масъулиятни ўз вақтида адо этиш ҳисси ётади.**

# Ўзаро ҳурмат

## жамоада соғлом муҳитни қарор топтиради



Таажжубланарлиси шундаки, ўрмон хўжалиги бошлиғи меҳнат қонунларига мутлақо амал қилмасдан, раҳбарият ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасини ўзича бекор қилиб, уни қуйи ишга, яъни «Бошчарбоғ» ўрмон бўлими ўрмонбеги ёрдамчиси вазифасига ишга тайинлайди.

Энг ёмони, ушбу ноқонуний ишлардан А.Сафаровнинг ўзи ҳам бехабар қолади.

Ваҳоланки, А. Сафаров ходимларнинг малака синови даврида шифохонада даволанаётган эди. Бироқ тақдим этилган тиббий ҳужжатларга ўрмон хўжалиги раҳбари эътибор ҳам бермади. Аксинча, шунча ноҳақлик қилганлари камдай, кейинчалик А. Сафаровга ҳеч қандай сабабсиз интизомий чора қўллаб, 2009 йил 24 июндаги 58-сонли буйруқ билан ишдан бўшатиб юборди.

Шундан сўнг А.Сафаровнинг судга мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмади.

А. Сафаровнинг даъво аризасини ҳамда тақдим этилган бошқа ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиққан суд Фуқаролик кодексининг 203-, 206-, 219-моддаларига асосан, даъвогарнинг Деҳқонобод тумани ўрмон хўжалиги маъмуриятига нисбатан даъво талабини қаноатлантириш, ўрмон хўжалиги раҳбариятининг 2008 йил 6 ноябрдаги ва 2009 йил 24 июндаги буйруқларини бекор қилиб, Ашур Сафаровни аввалги ишига, яъни «Тўрткўл» ўрмон бўлими ўрмонбеги лавозимига қайта ишга тиклаш билан бирга, унинг бекор юрган вақтлари учун иш ҳақини Деҳқонобод тумани ўрмон хўжалиги ҳисобидан ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шу тариқа ҳақиқат қарор топди, А. Сафаровнинг бузилган ҳуқуқлари суд томонидан тикланди.

**Нигора РАЖАБОВА,**
**фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг судьяси**
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
**«Куч — адолатда» мухбири**

# Тадбиркорлик масъулияти

## унга тўлиқ амал қилганлар кўзланган самарага эришадилар

**Суд очерки**

Эҳтимол, Ю.Абдураҳмонова ва Ф.Абдусатторова ҳам тадбиркорлик қилиб, бой-бадавлат бўлишни, тўкин-сочин ҳаёт кечиришни ўйлашгандир. Аммо, очиғи, улар тадбиркорликнинг оғир, масъулиятли юкидан қочиб, осон йўл билан бойишни ўйлашди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бу икки аёл бошқаларни «чув» туширишни мақсад қилишди.

Тўғриси, Феруза Абдусатторова бу борада яхшигина «тажрибга» эга – у 2007 йилда айнан фирибгарлик жинояти туфайли суднинг қора курсисига ўтирган, аммо томонларнинг ўзаро ярашгани боис, жиноят иши тугатилганди. Албатта, бу қирқ беш ёшни қоралаган, тўрт фарзанднинг онасига яхшигина сабоқ, тўғри йўлга тушиб олиши учун зўр имконият эди. Аммо одам боласи ўз хатосидан вақтида тўғри хулоса чиқариб олмаса, қийин экан. Феруза ҳам бу ҳақида ортиқча ўйлаб ўтирмади, аксинча, яна қилмишларини давом эттирди. Энг ёмони, бу сафар у таниши Юлдузни ўзига шерик қилиб олди.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Giyohvandlik — asr vabosi*

**Ҳаёт турли синовлардан иборат. Инсон ана шундай паллаларда тобланади. Ҳазорасплик Ойгул Жуманиёзованинг ҳам бошига ташвиш тушганида унинг иродаси, бардоши синалди. Бироқ Ойгул инсоний фазилатларга амал қилиш, сабр-тоқат билан, ўйлаб иш тутиш ўрнига, нафси йўриғига юрди-ю, жиноятта қўл урди. Келинг, яхшиси, воқеа тафсилотлари билан танишиб, сўнг фикрлашсак.**

# Ҳаётнинг мазмуни — ҳалоллик ва эзгуликда



Аслида Ойгул эрига қўшилиб қўл урган жинояти учун 2005 йилда қонуний жазога тортилган, фақат амнистия туфайлигина жазодан озод қилинган эди. Афсуски, у оила бағрида, фарзандлари даврасида тинчгина умргузаронлик қилишдек бахтни қўлдан бой берди. Ўзига кўрсатилган мурувват, бағрикенгликнинг ҳам қадрига етмади. Фарзандларига тарбия бериш, уларни ҳар жиҳатдан тўкис қилиб вояга етказиш ўрнига Ойгул эндигина йигирма ёшни қаршилаган ўғли Фаррухни ҳам жиноят кўчасига бошлади...

Ойгул 2009 йилнинг январь ойида Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида қўшни юртлик Шарифа Абдиевани учратиб қолди. Шарифа унга пул топишнинг «осон» йўлини таклиф этди.

— Мижоз топсанг, бас, героинни етказиб бериш менинг зиммамда, — деди Шарифа лаби лабига тегмай гапирар экан.

«Ўхшатмасдан учратмас», деб бежиз айтишмайди. Ойгулга ҳам бу гаплар маъқул келиб, иккала аёл шу ернинг ўзида келишиб олишди. Ҳамтовоқлар 2009 йилнинг сентябрь ойида яна бир марта учрашишди. Шу кўришувда Ойгул иккита тилла сирға, иккита тилла узук ва битта тилла занжир эвазига 634 грамм оғуни қўлга киритди.

Эндиги вазифа гиёҳвандлик моддасини сотиш эди. Ойгул вақтни ўтказмай ишга киришди. Таниш-билишлари орқали гиёҳвандлик моддаси ҳақида хабар тарқатар экан, унинг бу қилмиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг эътиборидан четда қолмади.

...Режа тузилди. Унга мувофиқ, тадбирга жалб этилган «харидор» Ойгул билан учрашиб, гиёҳвандлик моддасини сўраганида хаёлини жарақ-жарақ пул банд этган Ойгул янги «мижоз» чиққанидан хурсанд бўлиб кетди. Савдо пишди — 584 грамм героин гиёҳвандлик моддаси ўн минг АҚШ долларига баҳоланди.

О.Жуманиёзова гиёҳвандлик моддасини етказиб бериш вазифасини ўғли Фаррухга топширди. Шу тариқа пул, мол-дунё учун одамийликни унутган Ойгул қилмишларига ўғлини ҳам шерик қилди. Жиноят устида қўлга тушган гиёҳвандфурушлар айбларига яраша жазо олишди.

Ҳаётнинг мазмуни — эзгулик ва ҳалолликда. Бу ҳақиқатни халқимиз соддагина қилиб шундай ифодалайди: «Арпа эккан арпа, буғдой эккан буғдой ўради». Дарҳақиқат, ҳалолликни эсдан чиқарган, адолатга хилоф иш тутган кимсалар охир-оқибат қонуний жазога рўпара бўлишади.

**Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп тумани судининг раиси**
**Ҳусан СОБИРОВ,**
**«Куч — адолатда» мухбири**

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...



*— Айтинг-чи, солиқ тўловини олдиндан тўласа бўладими?*

**Ш.ШАЙМАРДОНОВ,**
***Бўка тумани***

— Ҳа, солиқ тўловини олдиндан тўлаш мумкин. Амалдаги Солиқ кодексининг 36-моддасида солиқ мажбуриятларини бажариш муддатлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, солиқ мажбурияти ушбу кодексда белгиланган муддатларда солиқ тўловчи томонидан бажарилиши керак.

Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, йил чораги, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши билан белгиланади.

Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. Солиқ мажбурияти бу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

Агар солиқ мажбуриятини бажариш муддатининг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.



*— Айтинг-чи, ишлаётган онага тўланадиган фарзандини икки ёшгача парвариш қилиш нафақаси қандай ҳолларда бекор қилинади?*

**Д.ФАРМОНОВ,**
***Пахтачи тумани***

— Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

а) парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;

б) бола ихтисослаштирилган муассасага (гўдаклар уйига) тўлиқ давлат таъминоти асосида жойлаштирилганда;

в) бола вафот этганда;

г) оила, бола билан биргаликда, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови бекор қилинишига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида нафақа олувчи шахс нафақа тўловини амалга ошираётган органни хабардор қилиши шарт.

Нафақа олувчи шахс вафот этганда ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганда ёхуд бола васийликдан олиб қўйилган ҳолларда нафақа амалда болани парваришлаётган шахсга ушбу нафақа тўланган сўнгги ойнинг кейинги ойидан бошлаб тайинланади.

**Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Tafakkur gulshani*

# Нега шундай деймиз?

**(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)**

***Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит.***

Халқимиз орасида қочиримга, бирор нарсага шама қилишга асосланган иборалар жуда кўп. Мазкур мақол ҳам шулар жумласидан. Баъзан шундай бўладики, бир гапни турли сабабларга кўра, бевосита тегишли одамнинг ўзига эмас, унга эшиттириб бошқа бировга айтишга тўғри келади. Тегишли одам зийрак, фаросатли бўлса, бу гап ўзига қаратилганини дарҳол англаб, шунга яраша иш тутади, хатосини тўғрилаб олади. «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» мақоли халқимизнинг муомала маданияти юксаклигидан дарак беради. Бу мақол андишага йўғрилган соф миллий ифода тарзи билан ажралиб туради.

**Маҳмуд САТТОР**

*Faoliyat*

# Соғлом фарзанд — оила қувончи

**Маълумки, ёш авлодга кўрсатиладиган ғамхўрлик, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш миллатнинг тараққий этишида асосий омил ҳисобланади. Зеро, оилада мукаммал тарбия топган, мактабда чуқур билим олган бола келажакда юрт корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етади. Шу маънода дунёқараши кенг, салоҳиятли, ўз Ватанига садоқати юксак, қатъиятли, бир сўз билан айтганда, ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам жисмонан етук ёшлар мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутади.**



Мустақилликнинг илк йилларидаёқ давлатимиз раҳбари жамоатчилик эътиборини ёш авлод салоҳиятини юксалтириш, бу борадаги вазифаларни изчиллик билан адо этишга қаратган эди. Истиқлолнинг ўтган даврида ёш авлоднинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, интилишларига кўмаклашиш баробарида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий тизими ҳам яратилди. Айтиш жоизки, жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ва шу асосда **«Баркамол авлод йили»** Давлат дастури қабул қилингани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Олмалиқ шаҳри ФҲДЁ бўлими ҳам жорий йилдаги фаолиятини «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида амалга оширмоқда.

Аввало, шуни айтиш керакки, Олмалиқ йирик саноат шаҳри саналади. Шаҳар аҳолиси юз мингдан ошгани ҳолда, унинг учдан бир қисмини ёшлар ташкил этади. Бугунги кунда кўп миллатли шаҳримизда битта институт, бешта касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей, йигирма учта мактаб фаолият юритмоқда. Мазкур таълим муассасаларида асосий эътибор ўқувчи ва талабаларга чуқур билим бериш билан бирга, уларда она-Ватанга садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳини шакллантиришга қаратилган.

Ҳеч кимга сир эмас, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда оила ўта муҳим ўрин тутади. Оиладаги соғлом муҳит, ота-онанинг бир-бирига бўлган ҳурмати фарзандларнинг ҳам ўзаро аҳил-иноқ бўлиб вояга етишида асосий омил саналади. Бўлимимиз томонидан айни шу мақсадда «Баркамол авлод — юрт таянчи», «Соғлом фарзанд — оила қувончи», «Оила — жамият кўзгуси», «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари» сингари мавзуларда семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда давлатимиз томонидан баркамол авлодни вояга етказиш, оиланинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, энг олий мақсадимиз — юртимизни янада равнақ топтириш, халқимиз ҳаётини бундан ҳам фаровонлаштириш экан, бу борада зиммамиздаги вазифаларни чин дилдан адо этиш муқаддас бурчимиздир.

**Сайёра АЛИМҚУЛОВА,**
**Олмалиқ шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси**



**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Бозорда топишган икки «тадбиркор» — Ф.Абдусаттарова ва Ю.Абдураҳмонова Ҳазорасп туманидаги кийим-кечак бозорида пайдо бўлишди. Бозорнинг тўкинлиги, истаган турдаги маҳсулотларнинг мўллиги ҳар қандай кишини ҳам қувонтириши шубҳасиз. Негаки, эл-юртнинг фаровон ҳаёти, аввало, бозорлардан билинади. Таассуфки, «қаҳрамонларимиз» тўкинликни кўриб, бошқа мақсадда қувонишди. Яъни улар ўзларининг фириб тўрлари учун «ўлжа» қидира бошладилар.

Ҳамтовоқлар Гулнора Жуманиёзова билан танишганларида унинг ишончини қозониш учун ўлиб тирилдилар. Гулнорага янги танишларининг таклифи жўялидай туюлди: кўрпа ва чойшабларни улгуржи олмоқчи бўлган Феруза билан Юлдуз, агар айтганлари рост бўлса, ростдан ҳам, ҳазорасплик тадбиркорлар учун қулай имконият эди. Феруза билан Юлдуз эса зўр бериб Беруний ва Тўрткўл туманларида сотишса, даромад катта бўлишини, бундан ҳар икки томон ҳам катта фойда кўришини бири олиб-бири қўйиб уқтиришарди.

Ниҳоят, бир қарорга келган Г.Жуманиёзова уларни Қутлибека Қўзиева билан таништириб қўйди. Шундан сўнг Феруза билан Юлдуз пулини тўлаб, озроқ миқдорда мол олишди. Кўп ўтмай улар яна мол сўраб келишди. 400000 сўмлик молни бир ҳафта ичида сотилганидан қувонган Қ.Қўзиева билан Г.Жуманиёзова кейинги сафар ҳеч нарсадан шубҳаланмай танишларига бир миллион сўмлик молни насияга бериб юборишди...

*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*




Аммо бу олди-бердилар олдиндан пухта ўйланган макр-ҳийла тўри эканини улар қайдан билишсин? Икки ўртада ўзаро ишонч пайдо бўлиши — ишнинг ярми амалга ошди, дегани. Лафзга, ваъдага ишонган ҳазорасплик тадбиркорлар насиячи «тадбиркорлар»га қарашса, янги ҳамкорлари нақ 13 миллион 767 минг сўм қарз бўлиб улгуришибди. Бунча маблағнинг ишлатилмаётгани тадбиркор учун қанчалик зарар эканини бу соҳани яқиндан билганлар яхши тушунадилар. Бунинг устига авваллари ҳар ҳафтада қучоқ очиб келадиган шу тариқа яна насияга мол беравердилар. Ҳар сафар қуруқ қўл билан келаётган Феруза билан Юлдуз молларнинг ҳали сотилмаганини баҳона қилишарди.

Орадан олти ой ўтиб-ўтмай Қ.Қўзиева билан Г.Жуманиёзова ўзларига келиб «ҳамкор»лардан энди дарак йўқ эди...

Ҳазорасплик тадбиркор аёллар бир неча марта Тўрткўл ва Беруний туманига бориб, қарздорларни излашди. Оларини олиб бўлган Ф.Абдусаттарова қўшни давлатга қочиб кетиш билан сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Ю.Абдураҳмонова эса «Қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида иш тутиб, Г.Жуманиёзова билан унинг турмуш ўртоғи Э.Қурбоновни қўрқитмоқчи бўлди.

Бироқ фирибгарларнинг ҳийла-найранги суд-ҳуқуқ идоралари томонидан фош этилди. Берунийлик Ф.Абдусатторова ва тўрткўллик Ю.Абдураҳмонова Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли деб топилди. Айбланувчилар томонидан фирибгарлик йўли билан жабрланувчиларга етказилган зарар қопланди.

«Бировнинг қилгани бошқага сабоқ», дейди кўпни кўрганлар. Ушбу воқеанинг тафсилотини баён этишдан мақсадимиз ҳам, аввало, фирибгарлик қилиб, боши хам бўлган Феруза Абдусаттарова, Юлдуз Абдураҳмоновага ўхшаш кимсаларнинг барибир қилмишлари ошкор бўлишини таъкидлаш, қолаверса, ҳар бир ишда синчковлик, сергаклик зарар қилмаслигини эслатиб ўтишдан иборатдир.

**Отагалди БОБОЖОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Боғот тумани судининг раиси**

*Hikmat*

## ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

***Инсоннинг одобли бўлиши олтинга эга бўлишидан кўра хайрлидир.***

* * *

***Беминнат қилинган эзгулик энг мақбул ва гўзал эзгуликдир.***

* * *

***Олий қалб эгаси бўлмаган одам дунё роҳатини ҳам, машаққатини ҳам кўтара олмайди.***

* * *

***Фазилат бизларни саодатга етказувчи бирдан-бир воситадир.***

* * *

***Вақти-соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдадан ҳеч бир яхшилик бўлмайди.***

* * *

***Гўзал хулқ — бировга азият етказмаслик, ғазабини сўндириш, ўзини хотиржам тутиш ва ширинсуханликдандир.***

*Maslahat*

# Ҳадя шартномаси

## уни тузиш тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мисол тариқасида ҳадя қилувчининг ашёни топширишни ёки топшириш мажбуриятини олишини, мулкий мажбуриятдан озод қилишини ёки озод қилиш мажбуриятини олишини кўрсатиш мумкин. Ҳадя шартномаси текинга тузилади. Бу, ўз навбатида, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришувчи субъектларнинг ҳадя шартномаси билан ўз ҳуқуқларини ҳар томонлама қулай ва муносиб равишда амалга оширишига имкон беради.

Айтиш керакки, барча ҳолларда ҳам ҳадя шартномаси вужудга келавермайди. Масалан, ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ёки муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳадя деб тан олинмайди. Бундан ташқари ҳадя қилувчининг ҳадя олувчига ашёни, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ кўрсатмасдан, ўзининг мол-мулкини ёки унинг бир қисмини ҳадя қилишга ваъда бериши ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Шундан аён бўладики, ҳадя қилувчи ҳадя олувчига ҳадя нарсасини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳадя олувчига ҳадя нарсасини ҳадя қилувчи вафот этганидан сўнг топширишни назарда тутувчи ҳадя шартномаси ҳам ҳақиқий эмас.

Ҳадя қилувчи ҳадя олувчига ҳадя нарсасини топширишни оғзаки равишда амалга ошириши мумкин. Бу меъёр Фуқаролик кодексининг 504-моддасида белгилаб қўйилган. Ҳадя сифатида машина ёки уйнинг калитини топшириш ёки мулкий ҳуқуқни гувоҳлантирувчи бирон-бир ҳужжатни тақдим этиш йўли билан бу иш амалга оширилади.

Фуқаролар яна шуни билишлари зарурки, ҳадя қилувчи мулкни ҳадя олувчига топширишга, ҳадя олувчи эса ҳадя нарсасини қабул қилиб олишга мажбур. Тўғри, ҳаётда баъзан шундай ҳоллар ҳам учрайди, яъни тарафлардан бири ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортади. Бундай ҳолда ҳадя шартномасини бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади.

**Зафар АЛЛАБОЕВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси**

**КУЧ—АДОЛАТДА**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ***

**Бўритош МУСТАФАЕВ**
**Олимжон ИСМАИЛОВ**
**Шерали РАҲМОНОВ**
**Мавжуда РАЖАБОВА**
**Нуриддинжон ИСМОИЛОВ**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Муҳаммад АЛИ**
**Омонбой ОҚЮЛОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Дилбар СУЮНОВА**
**Масардин ҲАСАНОВ**
**Юлчибой ТУРСУНБОЕВ**
**Шоюнус ҒОЗИЕВ**
**Баҳриддин НАИМОВ**

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.**
**E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru**
**Тел.: 239-02-54, 239-02-55**

Буюртма: Г-418. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6666.
1 2 3 4 Топширилди: $22^{00}$